

ТУРИЗМ КЕЛТИРАЁТГАН ДАРОМАД



АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ ҲАМ ОРТДА ҚОЛДИРМОҚДА



“БИЗДА туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

БУНДАН атиги 100 йил олдинги, яъни XX асрнинг йигирманчи йилларидаги сайёҳликни, бүгунги кундаги замонавий ТУРИЗМ билан таққослаш мумкин бўлса, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тафовут вужудга келади. Халқаро иқтисодий таҳлилчи экспертларнинг хулосаларига қараганда, айти пайтдаги дунё миқёсидаги интерграциянинг жадаллик билан кенгайиб бориши эвазига XXI асрнинг дастлабки йилларига келиб, жаҳон иқтисодиётида сайёҳлик, яъни туризм ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатувчи етакчи тармоқлардан бирига ай-

ланган. Статистик маълумотларга кўра, туризм келтираётган даромад товар ва хизматлар экспорти бўйича кимё саноати, электроника техник воситаларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва ҳатто автомобиль саноатини ҳам ортда қолдирмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълум қилишича, дунё ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўндан бир қисми, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғи туризм ҳиссасига тўғри келади. Айти пайтда бутун дунё бўйича сайёҳлар оқими ҳар йили 5 фоиздан кўпроқ миқдорда ўсиб бормоқда.

БОБУР РУҲИНИ БЕЗОВТА ҚИЛГАНЛАР

Б.Тоҳиров тақдим қилган ҳужжатлардан маълум бўлдики, Саломжон Тоҳиров 4.000.000 сўм эвазига “Карвонсарой” савдо бирлашмасининг мол-мулкларини сотиб олган.

3-саҳифа

АБИТУРИЕНТ НЕГА ТЕСТДАН ЧЕТЛАШТИРИЛАДИ?

— Абитуриентни тестга кўйишда нега айрим ҳолларда таъқиқлар бўлади? Умуман, қандай ҳолатларда абитуриентлар тест жараёнидан четлаштирилади?

4-саҳифа

“ЎҒЛИНГИЗНИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯГА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИБ ҚЎЙИШИМ МУМКИН”

Қонунни билмаган, қилмишининг ҳуқуқий оқибатини тушунмаган фуқарони-ку қўя турайлик. Лекин ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоранинг бир бўлимига раҳбарлик қилиб келган С.Ниёзма-товнинг нафс домига тушганини қандай тушуниш мумкин?

5-саҳифа

ПОЙТАХТ ОМИЛИ ИНФЛЯЦИЯГА САБАБСИМИ? ПОЙТАХТДАН ЧЕКИНИШ

8-саҳифа

2-саҳифа

ТУРИЗМ КЕЛТИРАЁТГАН ДАРОМАД

автомобиль саноатини ҳам ортада қолдирмоқда

Айниқса, экотуризм кейинги йилларда сезиларли даражада ривожланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий маълумотларига кўра сўнгги икки ўн йилликда ривожланаётган мамлакатларда туристлар сонин асосан табиий ёки экотуризм ҳисобига амалга ошмоқда. Масалан, Кения 1,4 миллион, Эквадор 1,2 миллион, Коста-Рика 1,2 миллион, Непал 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорига соф даромад олмақда. Қайд этиш лозимки, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромади давлат яши ички маҳсулотининг 70-80 фоизига тенг. Канадада табиий туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25 фоизини ташкил этар экан.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, экотуризмни ривожлантиришга жуда катта имконият берадиган бой агроф-мухит, фақат Ўзбекистонгагина хос бўлган гўзал табиатга эга мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда мазкур тармоқ салоҳиятини юксалтириш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинди.

Этиборингизга тақдим этилаётган бугунги давра суҳбатига туризм ва экотуризм, унинг айна пайтдаги ҳолати, ривожлантириш тенденциялари ҳақида парламент аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

ЯРАТГАН ТУХФА ЭТГАН ТАБИАТ БОҒЛАРИ

Фарҳод ҚУВВАТОВ,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш ва у орқали янги иш ўринларини яратиш, табиатнинг ноёб ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради. Нима учун, деган табиий савол туғилади. Гап шундаки, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта табиий омиллар бор. Тасаввур қилинг, мамлакатимизда 8000 дан ортиқ табиий ёдгорликлари 38 миллион гектардан ортиқ овчилик — балиқчилик ерлари, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган ўтқур ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури, 78 турдаги умуртқасизлар, ўсимликларнинг 270 тури учрайди.

Ўзбекистонда умуртқасизларнинг 700 дан ортиқ тури, умуртқасиз ҳайвонлар билан қўшиб ҳисоблаганда 15000 дан ортиқ тури мавжуд.

Юксак ўсимликларнинг 4000 дан ортиқ тури, шундан 9 фоизи эндемиклар, жами мохлар, лишайниклар, қўзқоринлар ва бошқа бир хужайралилар билан эса 11 000 тури мавжуд.

Республикамизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони 2164 км²ни ташкил этган 8 та давлат кўриқхонаси, 6061 км² майдондаги 2 та миллий боғ, ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика жайрон экомаркази, 12186 км² майдонда 12 та давлат буюртма кўриқхонаси, 4 та табиат ёдгорлиги, 1 та биосфера резервати ва кўплаб бошқа муҳофаза этиладиган ҳудудлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси 20 520 кв.км, ёки Ўзбекистоннинг 5,2 фоиз ҳудудини ташкил этади. Мамлакатимиздаги бири-биридан фарқланадиган иқлим, ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами турлича бўлган ҳудудларнинг мавжудлиги экотуризмнинг муҳим ресурсларга бойлигини далolat беради.

Бундан ташқари, давлат кўриқхоналари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг энг каттиқ режим тури бўлиб, экотуризмлар ва уларнинг таркибий қисмлари — ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз табиатни химоя қилиш ҳамда сақлаб қолиш учун барпо этилган, доимий равишда фаолият юратадиган, муҳофаза этиладиган зоналардир. Хўжалик фаолияти тақиқланади, экотуризм учун фақат уларнинг кўриқланадиган зоналарига йўл кўйилади. Республикаимизда кўйидаги кўриқхоналар мавжуд: Чотқол, Ҳисор, Зомин, Зарафшон, Қизилқум, Нурота, Сурхон ва Кигоб Чотқол ва Кигоб кўриқхоналарида табиат музейлари мавжуд.

Яратган мамлакатимизга бир қанча табиат боғларини тухфа этган. Ушбу тур муҳофаза этиладиган ҳудудлар тизими Зомин ва Угам-Чотқол табиат боғларининг ташкил этилиши билан жорий этилди.

Табиат боғларининг ҳудудига кўриқхонага айланган зоналар, рекреация, хўжалик мақсадига ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналари ажратиб кўйилади.

Табиат боғларининг асосий мақсади — табиатдан бир қадар оқилона ва қатъий назорат қилинадиган ҳолда фойдаланиш (туризм, ўрмон маҳсулотларини тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги) билан бир вақтда биохилма-хилликнинг муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат.

Ноёб ҳайвонлар турларини кўпайтириш бўйича республика маркази ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда Ноёб ҳайвонлар турларини кўпайтириш бўйича республика марказида ноёб ҳайвонлар турларини, жумладан, жайрон, қудон, (Пржевальский оти, Бухоро тоғ кўчқори, бурама шохли эчки (морхур), Бухоро бугусини (хонгули), Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган турларини сунолий тарзда кўпайтириш мақсадида Бухоро вилоятида 5145 гектар майдонда ташкил этилган “Жайрон” экомаркази расман фаолият юритмоқда.



САЙЁҲЛАР НИМАНИ КЎРИШНИ ХОҲЛАЙДИ?

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Қонунчилик палатаси
депутати:

— Бугун дунёда экотуризмга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Хўш, экологик туризм ўзининг нимаси билан ажралиб туради? Авваламбор, экотуризм табиатни муҳофаза қилишга янгиқа ёндашувдир. Айнан шу сабабдан ҳам у атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг янги амалдаги кўринишларидан бири. Шунинг ҳам айтиш керакки, туризмнинг мазкур йўналиши сайёҳларни ва сайёҳлик ташкилотларини табиатга салбий таъсир қилмасликка, уни муҳофаза қилишга даъват этади.

ДАРОМАДНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ҚОНУНДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК

Зафар ХАНИЯЗОВ,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Тўғри, экотуризмни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда жуда катта имкониятлар бор. Аммо бугунги кунда соҳани ривожлантириш учун талайгина ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинишига қарамаддан ҳудудларда бир қанча муаммолар мавжуд. Бунинг жойларда бевосита ушбу соҳа билан шугулланувчилар томонидан билдирилаётган эътирозлардан ҳам англаш мумкин.

Мисол учун, ҳали-ҳануз ер-жой олиш учун бир қанча идораларга мурожаат қилиниши, ерни олгандан сўнг эса уни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар туфайли тадбиркорлар оилаб ва хаттоки йиллаб сарсон бўлишмоқда, электр энергия ва табиий газ таъминотига уланиши, банк кредитлари, яъни кредитлар фақат уч йилга берилиши узок муддатли кредитлар берилмаётгани (балки қонун асосида сайёҳлик мажмуасини яратадиган тадбиркорларга энгилликлар ва имтиёзлар бериш керакдир), сайёҳлик объектларига олиб борувчи йўлларнинг таъмирталаблиги ёки умуман яроқсизлиги бу соҳани ривожлантиришга катта тўсиқ бўлмоқда. Яна бир муҳим масала: Ички туризмни ривожлантирмай туриб етарлиқ хоржий сайёҳларни диққатга сазовор жойларга олиб келиб бўлмайди. Бунинг учун шарт-шароитларни яратиш зарур. Жумладан, ҳар бир ҳудуд марказларида ишловчи овқатланиш шохобчаларига замонавий ва миллий тус бериб, уларни 24 соат ишлашини йўлга қўйиш бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш зарур. Корея, Гонконг ёки бошқа Европа давлатларига таширф буюрсангиз, кечкурунги соғаларда ҳам кўчалар ёп-ёруғ, сайёҳларнинг хавфсизлиги таъминланган, ерталабгача овқатланиш шохобчаларига бориш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги чораларни кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, туристик маршрутларни батафсил ва мала-

Бугунги кунда соҳани ривожлантириш учун талайгина ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинишига қарамаддан ҳудудларда бир қанча муаммолар мавжуд. Бунинг жойларда бевосита ушбу соҳа билан шугулланувчилар томонидан билдирилаётган эътирозлардан ҳам англаш мумкин.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга келаётган ёши 50 дан ошган сайёҳларнинг 41 фоизи мамлакатимизнинг энг хушманзара ҳамда табиий ландшафтлар яхши сақланиб қолган ноёб жойларини, 25-30 ёшлар атрофидаги сайёҳларнинг 26 фоизи эса экологик муаммолар мавжуд ҳудудларни кўриш истагида эканликларини билдиришган.

Экотуризм турларининг бутун хилма-хиллигини шартли равишда иккита асосий туркумга ажратиш мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (акваторий) доирасидаги ва “ёввойи”, бузилмаган ёки кам ўзгартирилган табиат шароитларидаги экотуризм.

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ушбу ҳудудлар асосий тоифаларига кўра, давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари (миллий боғлар, маҳаллий табиат боғлари), давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, тақрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудуд-

лар (буюртма кўриқхоналар, табиий питомниклар, балиқ ҳўжалиги зоналари), муҳофаза этиладиган ландшафтлар (курорт зоналари, рекреация зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ерусти ва ерусти сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ва айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар (ўрмон ҳўжаликлари, овчилик ҳўжаликлари)га бўлинади.

Биргина бизда мавжуд бўлган Бадай-тўқай биосфера резерватининг ҳудуди умумий майдонини 68717,8 гектарга тенг ва у жуда муҳим муҳофаза этиладиган табиат зонаси ҳисобланади. Кўриқланадиган ушбу табиат зонасида аjoyиб ёввойи ҳайвонот олами инсонларни ўзига тортади. Хусусан, унда ноёб бутулар — гул-буту (хонгул), хива тустовуқлари, бўрсиклар, ёввойи чўчкалар яшайди, сузувчи ва сув яқинида яшайдиган қушлар кўп.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта табиий асос бўлиб хизмат қилади.

қали таърифлаб берувчи мутахассисларни тайёрлаш керак (очингани айтганидан бўлса, туризм соҳаси бўйича ташлим муассасаларини тугатган асарият ёшлар хоржий тилларни яхши билишмайди);

иккинчидан, сайёҳ қаерга боришини, нималарни кўришини ва ўзининг жисмоний салоҳиятини баҳолаши учун таърифланган маршрутларни расмий рўйхатга олиш лозим; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида барча маршрутлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар базаси шакллантирилиши керак;

тўртинчидан, гилдар (кузатувчилар) тайёрланган бўлиши керак;

бешинчидан, табиий шароитда инфраструктура тайёрланган бўлиши лозим, унча катта бўлмаган қоттеджлар (имкони борича миллий услубда, табиий муҳитга яхши сингиб кетадиган), маршрутларда дам олиш ва овқатланиш масканлари, ҳайвонларни кузатиш учун махсус жойлар ташкил этилиши лозим. Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари мавжуд ҳудудлар, албатта, белгиланган ва ўралган бўлиши лозим;

олтинчидан, маршрутлар таърифланган стендлар, буклетлар, видеороликлар, сувенир буюмлар бўлиши лозим; еттинчидан, маҳаллий аҳоли саёҳатни ташкил этишда иштирок этиши учун маршрут тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ва тайёрланган бўлиши лозим (хизмат кўрсатиш, овқатлантириш, сувенирлар тайёрлаш ва бошқалар).

Энг муҳими, экологик туризмдан олинган даромаднинг қанча қисми маҳаллий бюджетга ва қанча қисми табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларига ёки туристик маршрут амалга оширилган ҳудуддаги ташкилотга йўналтирилиши кунунда белгилаб қўйилиши лозим. Шундагина “экологик туризм” ўзининг аниқ мақсадига эришади.

Бетақрор Ўзбекистоннинг экотуризм тармоғи салоҳиятини нақадар юксак эканлигига шубҳа йўқ. Лекин юқорида санаб ўтилган баъзи бир муаммоларнинг ечими бўйича ҳам амалий ишлар қилинса, Ўзбекистоннинг фақат ўзинигина хос бўлган хушманзара табиати ва файзли гўшалари сайёҳларни бундан ҳам кўпроқ ром этади.

Арслон ЭШМУРОДОВ
тайёрлади.

Бобур руҳини безовта қилганлар

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА Андижон шаҳар, Андижон 2-тор кўчаси, 13-уйда яшовчи Бахтиёр Тоҳировдан ариза келиб тушди. Унда муаллиф отаси Саломжон Тоҳиров (ҳозирда марҳум)нинг 1996 йил 25 декабрдаги шартнома ва 1997 йил 3 январдаги 1-сонли тўлов топшириқнома-сига биноан шаҳардаги “Карвонсарой” савдо бирлашмаси (кейинчалик “Истиқлол” савдо ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилган)нинг мол-мулкларини сотиб олгани, 2007 йилда эса бу мол-мулклар ноқонуний равишда улардан тортиб олингани ҳақида баён этган ва бу борада таҳририятдан амалий ёрдам сўраган.



БИР ИШ БЎЙИЧА ИККИ ХИЛ ҚАРОР: БУ “СУДГА ТААЛЛУҚЛИ ЭМАС”МИ?

Аризага илова қилинган ва Б.Тоҳиров тақдим қилган ҳужжатлардан маълум бўлдики, Саломжон Тоҳиров юқоридаги шартнома ва тўлов топшириқномасига асосан 4.000.000 сўм эвазига “Карвонсарой” савдо бирлашмасининг мол-мулкларини сотиб олган. Кейинчалик 1998 йил 15 ноябрда Андижон вилоят давлат мулки бошқармасининг хусусийлаштириш бўйича ишчи комиссияси томонидан “Истиқлол” савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси кўчмас мулкларини инвентаризация қилиниб, қайтадан 7.000.013 сўмга баҳоланган. Бошқарманинг 1999 йил 21 майдаги 305-сонли буйруғига кўра, С.Тоҳировга бирлашманинг 6 турдаги 17 та асосий воситалари хусусий мулк қилиб берилган ва қолган 3 миллион сўм маблағни белгиланган тартибда тўлаш вазифаси топширилган. Мазкур буйруқ ҳуқуқматнинг тегишли қарорлари ҳамда бирлашма жамоасининг 1998 йил 2 ноябрдаги умумий йиғилиш қарори асосида чиқарилиб, 1999 йил 25 майда мулкдорга № 0001128-серияли ордер берилган. Бироқ 2001 йилда вилоят мулк бошқармаси томонидан бирлашма умумий мулкларининг 70 фоизи хусусий мулк, қолган 30 фоизи эса давлат мулки сифатида эътироф этилган. Саломжон Тоҳиров сотиб олган мулклар 70 фоизга тенглаштирилиб, юқоридаги ордер қайтариб олинган ҳолда 2001 йил 5 сентябрда № 0012088-серияли, 465-рақамли давлат ордери берилган. Давлат ихтиёрида қолган 30 фоиз мулклар бўлса, Заҳрирдин Мухаммад Бобур номидаги халқаро хайрия жамғармасига бериб юборилган.

ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ЯНА НИМА КЕРАК?

— Вақт ўтиши билан жамғарма раҳбари Зокиржон ҳожи Машрабов бизнинг мулкларимизга ҳам кўз олайтира бошлади. Оқибатда, Андижон вилоят прокуратурасининг 2006 йил 19 апрелдаги сўровномасига асосан, 2006 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси давлат мулки кўмитаси бош мутахассиси Т.Абдуллаев томонидан “Истиқлол” савдо ишлаб чиқариш бирлашмасини хусусийлаштириш бўйича ҳуло-са тузилди. Шунга кўра, вилоят прокуратураси томонидан бизга берилган ҳар иккала давлат ордерини ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво ариза киритилиб, суднинг 2007 йил 18 майдаги ҳал қилув қарорига биноан мазкур даъво қаноатлантирилди, — дейди Бахтиёр Тоҳиров биз билан суҳбатда.

Б.Тоҳировнинг таъкидлашича, вилоят прокуратураси томонидан киритилган даъво аризининг “Хусусан, Халқ депутатлари Андижон область советининг 1992 йил 7 февралдаги 20/3-сонли қарорга асосан 3.М.Бобур номи миллий боғ ташкил этилиб, боғ худудида жойлашган, халқ устаклари кўргазмаси учун хашар йўли билан қуриб битказилган 13 дона бинолар вилоят савдо бирлашмасига фойдаланиш учун берилган”, дея қайд этилган 3-хат-

бошисида хатolik мавжуд. Яъни, даъво ариза матнига “хашар йўли билан”, деган жумла қўшилиб, “Бепул” сўзи “фойдаланиш учун” жумласи билан алмаштирилган. Гарчи даъво аризада 1999 йил 25 майда берилган № 0001128-серияли ордер ваколатсиз шахс — вилоят давлат мулки бошқармаси бўлим бошлиғи Н.Эгамназаров томонидан имзолангани, шу боис у Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми “а,в” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан айбланиб, мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2006 йил 18 июлдаги ажрими билан амниятга актига биноан ҳаракатдан тугатилгани қайд этилган бўлса-да, №0001128-серияли ордер қайтариб олинган ҳолда 2001 йил 5 сентябрда бошқарма бошлиғи Х.Томатов томонидан имзоланган №0012088-серияли, 465-рақамли давлат ордери берилгани инobatга олинмаган. Шунингдек, 465-рақамли давлат ордери 2007 йил 31 январда дубликат тариқасида бошқарма бошлиғи Б.Асранкулов имзоси билан №0025330-серияда берилганига эътибор қаратилмаган. Бу ҳам етмагандек, фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2008 йил 7 майдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, Саломжон Тоҳиров 13 та бино ва иншоотлардан мажбурий тартибда кўчирилиб, ушбу мулклар 3.М.Бобур номидаги миллий истироҳат боғи ихтиёрига олиб берилган.

сўнг юқоридаги саволларимизга жавоб топгандек бўлди:

— Вилоят прокуратураси сўровномасига асосан Республика давлат мулки кўмитасининг “Истиқлол” савдо ишлаб чиқариш бирлашмасини хусусийлаштириш бўйича ҳуло-саси тузулиши, шунга мувофиқ прокуратура томонидан бизга берилган давлат ордерларининг ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга даъво ариза киритилиши ва суд қарори билан бу даъвонинг қаноатлантирилиши, умуман олганда, Зокиржон Машрабовнинг қўли банд келишининг ягона сабаби бор. Яъни, 3.Машрабов собиқ Бош прокурор Рашидjon Қодировнинг отаси Ҳамидjon Қодировнинг қадрдони эди. Шу боис мен ва отамга нисбатан қилинган барча ноҳақликлар Р.Қодировнинг таъсири билан бўлган. Яқинда ҳибсага олинган Олий суд раисининг ўринбосари Баҳодир Дехқонов ўша пайтда вилоят прокурори сифатида даъво аризани имзолаган. Хуллас, мана шу ҳолатларни назарда тутиб, суднинг 2009 йил 24 февралдаги Республика давлат мулки кўмитасининг ҳуло-сасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишини иш юритишдан тугатиш тўғрисидаги ажримдан сўнг бу хусусда мурожаат қилишдан ҳафсаламиз пир бўлди.

— Ҳамидjon Қодиров билан Зокиржон ҳожининг қадрдон бўлганига бирор далилингиз борми? — сўраймиз Б.Тоҳировдан.

— Албатта, гувоҳларим бор. Қолаверса, Андижонда жуда кўпчилик бунга яхши билади. Бундан ташқари, 3.Машрабов Бобур миллий боғи ичидаги хиёбонга

“Ҳамид ота хиёбони”, дея ном ҳам берганди. Бироқ 2018 йилда Рашидjon Қодиров қамоққа олинган, ҳожи ака бу ёзувни олдириб ташлади. Ҳозир эса биздан тортиб олган биноларнинг тўрт-бештасини бузиб ташлаган. Ваҳоланки, биноларни бузиш у ёқда турсин, ҳатто гаровга бериш, сотиш, ҳада этиш ва бошқа ҳаракатлар вилоят давлат мулки бошқармаси ваколатига киради, — дейди Бахтиёр ака.

Дарҳақиқат, Андижон тумани Шоҳи Зинда кўчасида яшовчи Зулфигор Бозорбоев, Боғи Бобур кўчасида истиқомат қилувчи Мамиржон Мирзаев ва Бўтакора маҳалласида яшовчи Мухторjon Раҳимов, Баҳодир Қорабоев ҳамда Андижон шаҳар Тахта кўп-рик маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳматjon Аҳмедовлар Б.Тоҳировнинг кўрсатмаларини тасдиқлашди.

— Утган 2018 йилда Рашидjon Қодиров қамоққа олинган, яна умид билан Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Аммо 2018 йил 22 июнда вилоят прокуратурасидан “Даъво мuddати ўтиб кетганлиги, янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд қарорларини бекор қилиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судига мурожаат этишим мумкинлиги” тўғрисидаги жавобни олдим, — дея сўзини давом эттирди Бахтиёр Тоҳиров.

Б.Тоҳировнинг мурожаатини ўрганиш якунида бизда ҳақиқий саволлар туғилди: хўш, Саломжон Тоҳировнинг мулклари Бобур миллий боғига олиб берилган экан, нима учун суд ёки прокуратура органлари унинг дастлаб тўлаган маблағларини бугунги кундаги нарх-наводан келиб чиқиб ёхуд Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси асосида ундириб бермади? Қолаверса, айрим биноларнинг Зокиржон Машрабов томонидан бузилганлиқ ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилмади ҳол?

Буюк ном билан аталган халқаро хайрия жамғармаси раҳбарининг қилмишлари ва Бобур миллий боғи билан боғлиқ машамалар туфайли ҳазрати Бобурнинг пок руҳи безовта бўлмадикан? Зеро, буюк саркарда ҳеч бир инсонга нисбатан адолатсизлик қилмаган. Ҳар ишда бобокалони Амир Темур сингари одил бўлишга интилган.

Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ТАҲРИРИЯТ:

Мазкур мақола Бахтиёр Тоҳиров тақдим қилган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосан тайёрланган, масалани қонуний ҳал қилиш ва Б.Тоҳировнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан Андижон вилоят прокуратурасига юборилган. Вилоят прокуратурининг ўринбосари Ф.Раҳмонов имзоси билан келган жавоб хатида масаланинг судда кўрилиш ҳолатлари баён этилиб, қонунда белгиланган мuddат ўтиб кетганлиги сабабли суд қарорлари ўранилмагани, агар мазкур ҳолат бўйича янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлса, ариза муаллифи судга даъво ариза билан мурожаат қилиши мумкинлиги ва бу хусусда жавоб хати юборилгани маълум қилинган. Бироқ телефон орқали мулоқотимизда Б.Тоҳиров прокуратура томонидан ўзига жавоб берилмаганини билдирди. Қолаверса, у вилоят прокуратурасининг хатта-ҳаракатидан қониқмай, яна таҳририятга мурожаат қилди.


МАШРАБОВНИНГ ҚЎЛИ НЕГА БАЛАНД КЕЛДИ?

Буни қарангки, Бахтиёр Тоҳировнинг қуйидаги фикрларидан

АБИТУРИЕНТ НЕГА ТЕСТДАН ЧЕТЛАШТИРИЛАДИ?

— АБИТУРИЕНТНИ тестга қўйишда нега айрим ҳолларда таъқиқлар бўлади? Умуман, қандай ҳолатларда абитуриентлар тест жараёнидан четлаштирилади?

Акрам Холтўраев,
Сурхондарё вилояти



— Қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги ҳолларда абитуриент тест синовлари жараёнидан четлаштирилади ва натижалари чиқарилмаслигига асос бўлади:

- тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога киришда микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса, олиб кирган бўлса ёки улардан тест синовлари давомида фойдаланса;
- тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки уларга ёрдам берса;
- тест материалларини бинодан ташқарига олиб чиқса, тест топшириқлари китоби varaгини йиртса;
- тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг тест материалларини топширишдан бош тортса;
- тест синовлари жараёнида видеокузатувлар орқали абитуриентнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса.

КИМЛАР ИСТАЛГАН ПАЙТДА ТАЪТИЛГА ЧИҚИШИ МУМКИН?

— II-ГУРУХ ногирониман, корхонада йил бошида меҳнат таътилига чиқиш навбати тўзилган эди. Уша пайтда мен октябрь ойида таътилга чиқишим ҳақида ёзган эдим. Аммо энди оилавий шароитим сабаб таътилни белгиланган вақтдан бошқа вақтда олишимга тўғри келаяпти. Энди таътилни ёзда олишим мумкинми?

Салима Акбаркулова,
Бухоро вилояти



— Ҳа мумкин. I ва II-гурӯх ногиронларига, шунингдек, қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзи ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитилганларга;
- жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ПРОПИСКА МАСАЛАСИДА ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛАЙ?

— МЕН 21 йилдан бўён Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида 279-сонли умумтаълим мактабда ўқитувчи бўлиб фаолият юритаман. 4 фарзандим ва турмуш ўртоғим билан Тошкентда яшаймиз. Бироқ доимий пропискага эга эмасмиз. Халқ таълими вазирлиги орқали доимий рўйхатга қўйилишим мумкинлиги ҳақида эшитдим. Агар шундай бўлса қаерга, қай тартибда муурожаат қилишим керак?

Дилфуза Қурбонова,
Тошкент шаҳри



Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатнинг 11-бандида давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин.

Бевоқит мактаблар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига киради ва шу сабабли Сиз доимий прописка масаласида Халқ таълими вазирлигига муурожаат қилишингиз лозим.

СУДГА ҚАНЧА ДАВЛАТ БОЖИ ТўЛАШИМ КЕРАК?

— ТУРЛИ дўконлардан маҳсулотлар харид қилиб уйга қайтдим. Аммо барча маҳсулотларни кўздан кечирганимда улар орасида сифати талабга жавоб бермайдиганлари ҳам бор эди. Бундай ҳолатда судга муурожаат қилсам бўладими? Сифатсиз маҳсулот сотиб олинганлиги тўғрисида судга муурожаат қилсам қанча давлат божи тўлашим керак бўлади?

Азим Суяров,
Фаргона вилояти



— Фуқаролар истеъмолчи сифатида ҳуқуқлари бузилган тақдирда, судга муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

ҲАҚИҚИЙ БўЛМАГАН НИКОҲ

— ҲАР қандай ҳолда тузилган никоҳ ҳам ҳақиқий бўлаверадими? Қандай ҳолларда никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилади?

Шахло Икромова,
Гулистон шаҳри



— Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас, деб топилади:

- никоҳ мажбуран тузилганда;
- никоҳ ёши талаблари бузилганда (эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш);
- никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда (бир томон бошқа никоҳда турса, қариндошлар ўртасида никоҳ тузилса ёки бир томон муомалага лаёқатсиз бўлса);
- сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;
- никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан муурожаат этса.

Никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний қучга киргач, 10 кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОВЕВ жавоб берди.

НИКОҲ АРИЗАСИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

— НИКОҲ тузиш учун бериладиган ариза қандай ёзилади? ФҲДЁ органлари никоҳланувчилардан қандай ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли?

Замир Сулаймонов,
Каттақўрғон тумани



— Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига мувофиқ, белгиланган намунадаги ариза никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади ва барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоблар берилиши керак. Ариза аниқ, тушунарли дастхат билан ёзилиши лозим. ФҲДЁ органи эса аризани қабул қилаётганда никоҳланувчиларга никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, келгусида эр-хотин ва ота-она сифатида вужудга келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунириши лозим. ФҲДЁ органи ходимлари томонидан никоҳланувчилар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни яшириш оқибатлари тўғрисида огоҳлантирилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, илгари никоҳда бўлган шахс ФҲДЁ органига аввалги никоҳни бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак. Бу — никоҳни бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки суд қарори, эрнинг (хотиннинг) ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки суднинг никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилганлиги ҳақидаги қарори бўлиши мумкин.

Саволга Ургут туман 1-сон ФҲДЁ бўлими
мудириси Сайёра ТУРСУНОВА жавоб берди.

ЧЕТ ЭЛДА ВАФОТ ЭТСА...

— БОШҚА мамлакатга ишлашга кетган фуқаро у ерда касаллиги ёки бошқа сабаб билан вафот этса, унинг ўлими қандай расмийлаштирилади?

Зебо Набиева,
Иштихон тумани



— Чет элда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўлимини қайд этиш марҳум яшаб турган ёки ўлими содир бўлган жойдаги консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

Агар ўлимини қайд этиш марҳумнинг яшаш жойидан бошқа округда амалга оширилса, у ҳолда ўлимини қайд этган консуллик муассасаси марҳум ҳисобда турган консуллик муассасасига унинг фамилияси, исми, отасининг исми, ўлган санаси, шунингдек, ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами ва ўлим қайд этилган сана кўрсатилган хабарнома юборади.

Саволга Ургут туман 1-сон ФҲДЁ бўлими
инспектори Зилола ТўЛАЕВА жавоб берди.

“Ўғлингизни Миллий гвардияга ишга жойлаштириб қўйишим мумкин”



Қонунни билмаган, қилмишининг ҳуқуқий оқибатини тушунмаган фуқароникун қўя турайлик. Лекин ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоранинг бир бўлимига раҳбарлик қилиб келган С.Ниёзатовнинг нафс домига тушганини қандай тушуниш мумкин?

ОЛТИАРИҚ туманининг Оқ бўйра маҳалласида яшовчи Махфуза Эрматова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўғли Жамолддинни ишга жойлаштиришга жуда қийналди. Ҳеч қайси идора ёки ташкилотдан нажот бўлмагач, маҳалла фуқаролар йиғини раисига учрашди. Бироқ раис маҳалла идорасида унга боп иш йўқлигини маълум қилди. Бу жавобдан онаизорнинг тарвузи қўлтигидан тушиб, чиқиб кетаётган эди, МФЙнинг ҳарбий ҳисоб бошлиғи Аҳмаджон Ғаниев учраб қолди.

— Ҳа, опахон, кайфиятингиз йўқ. Тинчликми? — сўради Аҳмаджон.
— Тинчлик. Ўғлимга иш сўраб келгандим, фойдаси бўлмади.
— Сиқилманг, опа. Ҳамма нарсанинг иложиси бор. Ўғлингизга иш ҳам топилади, фақат харажатдан қочмасангиз бўлгани, — дея А.Ғаниев аёлга тасалли бергандек бўлди. Ва ўзининг фириб тузоғига илтиришга киришди.
Бу гапни эшитиб, М.Эрматова ҳайрон бўлди.
— Қанақа иш, қандай харажати бор?, — ажабланиб сўради у.
— Органда ишлайдиган танишларим орқали ўғлингизни Миллий гвардияга ишга жойлаштириб қўйи-

шим мумкин. Хўп, десангиз улар билан гаплашиб кўраман. Хизмат ҳақини ўзлари айтишади.

Албатта, Аҳмаджоннинг таклифи Махфуза опани анчагина эсанкиратиб қўйди. Негаки, шу пайтгача ўғлига иш қидирган маҳалда ҳам кимгадир пул бериб, муаммони ҳал қилишни ўйламаганди она. У узоқ ўйлаб, сўнг оғиз очди:

— Майли, гаплашиб кўринг. Лекин ўғлим Жамолддин бу ҳақда билмасин.

Шундан кейин кўп ўтмай, ҳарбий ҳисоб бошлиғи М.Эрматовага кўнғироқ қилиб, Олтиариқ туман ИИБ Қўриқлаш бўлими бошлиғи Солижон Ниёзатов билан гаплашганлигини, бошлиқ ўғлини 4000 АҚШ доллари эвазига ишга киритиб қўйишга рози бўлганлигини, пулнинг бир қисmini олдидан бериши кераклигини билдирди. Аммо барибир Махфуза опа бундай ноконуний йўл билан ўғлини ишга жойлаштиришни хоҳламади. Шу боис бу хусусда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Оқибатда ДХХ Фаргона вилоят бошқармаси томонидан унга 1.000.000 сўм пул ва диктофон берилди.

Эртаси кун эса М.Эрматова кимёвий ишлов берилган пулни А.Ғаниевга тутқазди. Шундан сўнг Аҳмаджон аёлни С.Ниёзатов билан

учраштириб, таништириб қўйди. Олган пуллари билан ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборди. Бироқ “ҳожатбарор” ўз кирдикорини ошкор қилувчи сўзлари овоз ёзиш қурилмасига муҳрланганидан мутлақо беҳабар эди.

Буни қарангки, кейинги учрашувда Солижон Ниёзатовнинг ўзи ҳам Жамолддинни 4000 АҚШ доллари эвазига ишга киритиб қўйишни маълум қилди. Шу боис Махфуза Эрматова унинг талабини ҳам диктофонга ёздириб олиб, айтилган нархга дарҳол кўна қолди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, М.Эрматованинг телефони жиринглади.

— Ўғлингизнинг паспорти ва ҳалиги нарсадан беш юзини олиб шаҳарга келинг, — деди кўнғироқ қилган Қўриқлаш бўлими бошлиғи.

Шунга кўра, у Махфуза опани Фаргона шаҳри марказида маҳаллий аҳоли тили билан “Гул бозор” дея аталувчи жойда кутиб олди. Солижон Ниёзатов М.Эрматовадан ўғлининг фуқаролик паспорти, дипломи, ҳарбий гувоҳномаси билан бирга 500 АҚШ долларини олаётган вақтда ушланди. Шу боис Аҳмаджон иккаласига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилди. Жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар суди эса ҳар иккала айбдорнинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Қонунни билмаган, қилмишининг ҳуқуқий оқибатини тушунмаган фуқароникун қўя турайлик. Лекин ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоранинг бир бўлимига раҳбарлик қилиб келган С.Ниёзатовнинг нафс домига тушганини қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, у мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш олиб борилаётганини, ҳатто ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимда бундай салбий иллат юз бермаслигига масъул эканлигини ҳам ханузгача теран англамаган бўлмас?

Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судининг судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ЖИНОЯТНИНГ “МИСИ” ЧИҚДИ...



ҚУНЛАРНИНГ бирида каттагина фирманинг раҳбари бўлган Баҳодирга хабар қилишди. Уни “йўқлаятимиш”.
— Ким экан бизни сўроқлаётган?
— Шаҳар солиқ бошқармаси ва департамент вакиллари... фирманинг ҳисоботлари билан танишайлик деяпти. Баҳодирнинг ичига гўлгула тушди. Ичиди ўйланган бўлди.

— Мен улардан узоқроқ бўлишим керак...
...Баҳодирнинг иши авж олди. Омади келди. Икки-уч йил бурун ташкил этган фирманинг қўлига давлатлар билан олиш-бериш алоқаларини йўлга қўйди. Унинг фирмаси шу давлатлардан турли хил импорт товарларини келтирди. Катта миқдордаги савдо пули шаклланди. Шунда Баҳодирнинг қинғирлиги келдини ёки нафси устунлик қилдим, ишқилиб, фойдани солиқ билан “бўлишиш”ни истамади. Ҳисоботларга атай ўзгартириш киритиб, даромадини яширди. Натижада у каттагина суммани чўнтагида сақлаб қолди. Аммо тез орада жиноятнинг “миси” чиқди.

— Фирма раҳбари билан шахсан учрашишимиз керак. Туман солиқ бошқармаси ва департаментнинг текширув вакиллари Баҳодирни тезда топа олишмади. Текширувчилар унга ҳужжатларни топшириш учун уч кун муҳлат бердилар. Аммо Баҳодир белгиланган вақт оралиғида текширувчиларга учрамади. Орада ўн марта талаб йўқлов бўлди. Кейин текширувчилар уни адвокат орқали топдилар. Аммо Баҳодирнинг баҳонаси нақд бўлди:

— Мен ҳужжатларни сақлаб қўймаган эдим. Шундан кейин ҳам фирма раҳбаридан иш чиқмади. Текширувчилар бу сафар қувликка қувлик билан жавоб қайтардилар. Зарур ҳужжатлар тегишли банк ва солиқ инспекцияси орқали қўлга киритилди. Аниқландики, Баҳодир ҳужжатларда кўрсатилган суммадан ортиқча-сини бошқа мақсадларга сарфлаган. Шунингдек, фирма омиборидаги товарларнинг ҳам камомади аниқланди. Баҳодир энди қўлга тушди. У каттагина миқдордаги маблагни солиққа тўламастан келганлиги ойдинланди. Ҳўкм ўқилди. Баҳодирдан мавжуд қарздорлик маблагини ундирилди. Қилган жинояти учун эса мўмайгина жарима пули тўлайдиган бўлди.

Зафар БОБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди судьяси

Мансабини СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН ишбилармон



Кўза кунда эмас кунда синади, деб шунга айтишса керак. Ўзганинг мулки ҳеч қачон ўзгага насиб қилмайди. Сўнгги пушаймон ўзинга душман. Ўз айбига тўлиқ иқроорлик, надомат минг афсус Баҳодир Бекмуратовни номига доғ тушишидан асрамади...

БАҲОДИР Бекмуратов (исм-шарифлар ўзгартирилган) олий маълумотли бўла туриб, илгари судланганлигидан тегишли хулоса чиқармасдан 52 ёшида яна суднинг қора курсисига ўтирди.

У ёз кунларининг бирида “Чигатой” қурилиш мажмуасида Мардон Мамараимов

билан танишиб қолади. Сўхбат қизигандан қизиб гап орасида унга Мардон Мамараимов “Tibtexsavdoservis” МЧЖнинг таъсисчиси эканлигини айтиди ва Баҳодир Бекмуратовга ушбу қурилиш фирмасига директор бўлишини таклиф қилади. Чунки бир пайтнинг ўзиде Мардон Мамараимов

“Olmazor Turg'un” ХУЖМШнинг раҳбари ҳам эди.

Бу таклифга рози бўлган Баҳодир Бекмуратов 5 ой ишлаб яримта нони энди бутун бўлганда Чилонзор тумани, Олмасор мавзеси, 16-уйнинг 4 та йўлагини таъмирлаш учун буюртмачи “Olmazor Turg'un” ХУЖМШ ҳамда АТБ “Ҳамкорбанк” Тошкент шаҳар филиали ўртасида уч томонлама шартнома тузиб жами 20 000 000 сўмлик кредит маблағларини жамиятнинг ҳисоб рақамига туширишга эришади. Таъмирлашда эса 10 129 438 сўмлик ишларни олиб бориб, қилинган ишлар бўйича бирон та ҳужжат расмийлаштирмади. Таъмирлаш ишларини тўлиқ якунламасдан, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг 9 870 562 сўмини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади. Ўрганган кўнгул ўртанса қўймас, деганларидек орадан 7 ой ўтиб ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттиради. Яшнобод тумани, Авиасозлар 1-мавзе, 9 ва 11-уйларни ертўла қисмидаги иссиқлик қувурларини пластик қувурларга алмаштириш учун буюртмачи “Porloq qurilish” МЧЖ билан 25 000 000 сўмга келишилган маблагнинг 72 фоизини, яъни 18 000 000 сўм-

ни жамиятнинг ҳисоб рақамига туширишга эришади. Пичоги мой устида турган ишбилармон мазкур маблағларнинг 12 321 250 сўмини турли корхоналарга бошқа турдаги қурилиш моллари учун ва 5 500 000 сўмини корпоратив картани тўлдирish учун ўтказиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилган ҳолда бирон та таъмирлаш ишларини олиб бормайди. Такроран ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганининг жами 18 000 000 сўмини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Кўза кунда эмас кунда синади, деб шунга айтишса керак. Ўзганинг мулки ҳеч қачон ўзгага насиб қилмайди. Сўнгги пушаймон ўзинга душман. Ўз айбига тўлиқ иқроорлик, надомат минг афсус Баҳодир Бекмуратовни номига доғ тушишидан асрамади...

Суд жавобгар етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, қилмишидан пушаймонлигини, даъвогарларнинг ҳеч қандай даъво-си йўқлигини инобатга олган ҳолда унга тегишли жазо тайинлади.

Латофат ЮСУБОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ФУҚАРОНИНГ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ ЖАРИМА ТўЛАМАСДАН ОЛИБ БЕРИЛДИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 йил 4 июндаги 460-сон “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 январга қадар куннинг ёруғ вақтида яқини ёритувчи чирокларини ёки кундузги сигнал чирокларини ёкиб ҳаракатланиши шартлиги бўйича талаб автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироклари билан жиҳозланмаган автоматотранспорт воситаларига нисбатан таъбиқ этилмайди.



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 9-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Юқоридаги қонун нормаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, 2019 йил 4 июнь кунига қадар куннинг ёруғ вақтида ташқи ёритиш асбобларини ёкмаганлиги сабабли, Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс (ҳайдовчи)лар, агар мазкур ҳаракат учун қўлланган жарима суммасини тўламаган бўлсалар, жарима суммасини тўлашдан овоз этилишлари, шу ҳолат бўйича олиб қўйилган ҳайдовчилик гувоҳномалари қайтариллиши лозим.

Худди шундай ҳолат, Термиз туманида яшовчи фуқаро Б.Менглиевнинг жорий йилнинг июнь ойида Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб Термиз шаҳар адлия бўлимига қилган мурожаатида ақс эттирилган. Аниқлинишича, фуқаро Б.Менглиев 2019 йил 17 майда ўз бошқарувида бўлган ПТСО 75/P488GA давлат рақамли транспорт воситасидан кундуз кунни ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда фойдаланганлиги сабабли Термиз шаҳар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан тегишли баённома расмийлаштирилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган. Шунингдек, унга нисбатан 101365 сўм миқдорда жарима жазоси тайинланган.

Юқоридаги ва бошқа қонун ҳужжатларига кўра, ЙҲХБ ходими томонидан фуқаро Б.Менглиевнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасини олиб қўйишидаги ҳаракати қонун ҳужжатларига зид равишда амалга оширилганлиги сабабли Термиз шаҳар адлия бўлими томонидан қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБга тақдиминоа киритилди ва шаҳар адлия бўлимининг аралашуви билан фуқаро Б.Менглиевнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси жарима тўланмаган ҳолда олиб берилишига эришилди.

Ақмал ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Термиз шаҳар адлия бўлими катта маслаҳатчиси

НАМАНГАН ТУМАНИДА ЯНГИ НОТАРИАЛ ИДОРА



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ташаббу-
си билан бугун Наманган тумани
ҳам “Обод марказ” дастури асосида
тузлан янги қиёфа касб этмоқда.**

Наманган туманида 2-сонли давлат нотариал идорасининг очилиш маросими ўтказилди. Ҳозирги кунда туманда иккита нотариал идора мавжуд бўлиб, ушбу нотариал идора-ларда икки нафар нотариус ва 9 нафар ходим туман аҳолисига ҳуқуқий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Адлия вазирининг тегишли буйруғи билан Наманган туманида яна бир қўшимча нота-риус штат бирлиги жорий этилди.

Ушбу нотариал идоралар томонидан ўтган давр мобайнида жами 6 минг 110 та турли хилдаги нотариал ҳаракатлар амалга оширилди.

Шунингдек, фуқароларимизга енгиллик яратиш мақсадида давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 120 та сайёр тартибда нотариал ҳаракатлар амалга оширилди.

Наманган туман аҳолиси учун умумий қиймати 461 миллион бўлган ушбу бино янгидан замонавий кўринишда қурилиб, унда фуқаролар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Давлат нотариал идораси янги замонавий техника жиҳозлари ва офис мебеллари билан таъминланган.

Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

САНСАЛОРЛИККА ЧЕК ҚўЙИЛДИ

ЮНУСОБОД туман адлия бўлими томонидан фуқаро Анастасия Севияннинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Мурожаатда А.Севиян 2001 йилда Тошкент шаҳрида туғилганлиги, лекин шу вақтга қадар у на туғилганлик гувоҳномасига, на фуқаролик паспортига эга бўлмаганлиги баён этилган. Шу боис фуқаролик паспорти олиш мақсадида кўп жойларга мурожаат қилган, натижа бўлмагач, бу борада Юнусобод туман адлия бўлиmidан амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган.

Ўрганиш жараёнида эътироз асосли эканлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг Анастасия Севияннинг туғилганлик вақтини тан олиш тўғрисида қарори чиқарилиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари химоя этилди. Фуқаронинг кўп йиллик сансалорлигига чек қўйилди.

Алишер УРУНОВ,
Юнусобод туман адлия бўлими бошлиғи

ТўЛАНМАЙ ҚОЛГАН ИШ ҲАҚИ ТўЛАБ БЕРИЛДИ

ШАЙХОНТОХУР туман адлия бўлими томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш масалаларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, фуқаролар С.Аглаев, М.Азизов, М.Ахмедовларнинг 2019 йил апрель ва май ойлари учун ўз вақтида берилмаётган аванс ва ойлик маошларини олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатлари адлия бўлими томонидан ўрганилди.

Меҳнат кодексининг 161-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи хатбошида ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу қув арафасида тўланиши белгиланган.

Меҳнат кодекси талабларини бузилишига йўл қўймаслик мақсадида бўлим томонидан кўрилган чоралар натижасида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан ушбу фуқароларга тўланмаган апрель ва май ойларидagi ойлик маошлари тўлаб берилди.

Фарход АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи

ТУҒУРУҚ ТАЪТИЛИГА ЧИҚИБ ИШИДАН АЙРИЛАЁЗГАН ОНА



НУРОБОД туман бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира вазифасида ишлаган фуқаро Х.Эргашеванинг ишга тиклаш, иш ҳақини ва моддий ҳамда маънавий зарарини ундириш ҳақидаги ариза-си кўриб чиқилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида Х.Эргашева туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира вазифасида ишлаб келганлиги, 2015 йилнинг апрель ойида туғуруқ таътилига чиққанлиги, шу орада иккинчи фарзанди дунёга келганлиги муносабати билан мазкур таътил 2019 йилгача узайтирилганлиги, 2019 йил январь ойидан ўз иш жойига қайта тиклаш учун туман тиббиёт бирлашмаси раҳбариятига мурожаат қилганлиги, бироқ бирлашма томонидан унинг иш ўрни тиклаб берилмаганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижасига кўра адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Нуробод туман судига фуқаронинг манфаатини қўзғаб ишга тиклаш, иш ҳақини ва моддий ҳамда маънавий зарарини ундириш ҳақида даъво ариза киритилди. Суднинг 2019 йил 20 майдаги ҳал қилув қарори билан Х.Эргашеванинг ишга тикланиши, 2019 йил апрель ойи учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан мажбурий проғул вақти учун 678.412 сўм иш ҳақи, 678.412 сўм маънавий зарар учун тоvon пули, шунингдек, давлат фойдасига ундирилиши белгиланган 202.730 сўм давлат божи Нуробод туман Тиббиёт бирлашмасидан ундирилиши белгиланди.

Боборовшан БОЙМУРАДОВ,
Нуробод туман адлия бўлими бошлиғи

КЕЧИККАН ГУВОҲНОМАЛАР ЭГАСИНИ ТОПДИ

ЖАРКўРҒОН туман адлия бўлими томонидан фуқароларнинг мурожаатлари шахсий ҳамда сайёр қабуллар орқали қабул қилинмоқда.


Ҳусусан, бўлим томонидан Жаркўрғон туман “Узумзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Ашургул Аминованинг фарзандлари 1999 йил 13 январь кунни туғилган Гулнора Беккамова ҳамда 2002 йил 12 июнь кунни туғилган Гулноза Беккамовага туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ололмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижалари бўйича фуқаро манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Кумкўрғон туманлараро судига туғилганлик фактини белгилаш ҳақидаги ариза киритилиб, Гулнора Беккамова ва Гулноза Беккамованинг 1999 йил 13 январь ва 2002 йил 12 июнь кунлари Ашургул Аминованинг туғилганлиги фактини белгиланиши таъминланди.

Шунингдек, “Қумқишлоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Сайёра Ғаниеваннинг иккинчи фарзанди 1998 йил 10 ноябрда туғилган Сайнура Абдукаҳхорова туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ололмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилиб, фуқаролик ишлари бўйича Кумкўрғон туманлараро судига Сайнура Абдукаҳхорованинг 1998 йил 10 ноябрь кунни оваси Сайёра Ғаниевандан туғилганлик фактини белгилаш ҳақида ариза киритилди.

Ушбу ариза суд томонидан кўриб чиқилиб, 21 ёшли киз туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш имкониятига эга бўлди.

Ўткир АРИПОВ,
Жаркўрғон туман адлия бўлими бошлиғи



МЕГАЛОЙИҲА

ИНВЕТОР ИНВЕТОРНИ БОШЛАБ КЕЛАДИ

МАМЛАКАТ ривожини, аҳоли турмуши фаровонлиги даражасини биринчи галда иқтисодийнинг даврий ҳолати белгилайди. Шубҳасиз, молиявий тараққиётга эришиш учун, аввало, иқтисодий ётқириш либераллаштириш талаб этилади. Шу сабаб ҳам тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, пул-кредит сиёсатини яхшилашга мамлакатимизда айна дам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу каби фаолиятни фаол равишда ҳаётга татбиқ этиш ва юртимизда инвесторларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам қабул қилинди. Ушбу Фармондан кўзланган мақсадлардан бири инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўлди. Албатта, хорижий инвесторларни жалб қилиш, уларни иқтисодий жараёнлардаги, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар билан таништириш, мамлакатда қулай инвестиция муҳити яратишга ҳаракат қилинаётганлигидан бохабар қилиш жуда муҳим. Аммо ўзи алоҳида ташаббус билан чиқаётган бир қанча маҳаллий инвесторлар ҳам борки, уларнинг сазй-ҳаракатларини қувонч билан қарши олиш керак. Улар қайси мамлакатдан, ким бизга инвестиция киритар экан, деб қутиб ўтиргани йўқ. Ўз лойиҳаларини фаол равишда амалга ошираётган, шу аснода хорижий инвесторларнинг ўзи уларга қизиқиш билан қариб келаяпти. Айна дам Наманган вилоятидаги бир қатор ўзгаришларда ана шундай инвесторларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Ўтган йили Президентимиз Наманганга таширф бююрганида ёш тадбиркор Сардор Раҳмонов Поп туманида 15 гектар ерни қамраб оладиган замонавий савдо маркази ва Экопарк лойиҳасини ўртага ташлайди. Давлатимиз

раҳбари чекка туманда шундай катта мажмуа қуришдек ажойиб лойиҳани қўллаб-қувватлайди ва тадбиркорнинг ташаббусини юқори баҳолаб, унга юксак ишонч билдиради.

Сардорнинг яратган мегалойиҳаси асосида бу йил вилоятнинг Поп туманида “Поп савдо маркази” ишга тушди. Илгари бу туманда аҳолининг қўллаб-қўғати эҳтиёжларини қондирадиган савдо мажмуаси мавжуд эмас эди. Бозор-ўчар қилишда ёзда чанг, қишда лой, бетартиб автомашиналар тирбандлиги каби муаммолар одамларни қийнаган. Шу сабаб озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа турдаги маҳсулотлар харидини самарали ташкил этишга мўлжалланган ушбу савдо марказини попликлар мамнунлик билан қабул қилишди. Мазкур мажмуада фаолият бошлайдиганлар учун бозор худуди турли хил расталарга бўлинган, сотувчилар ва харидорларга қулай шароитлар яратилган. Таъкидлаб ўтиш лозим, мазкур мажмуанинг умумий қиймати 48 миллиард сўмини ташкил этади.

ЛОЙИҲАНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?

Лойиҳа доирасида савдо мажмуаси ишга тушди. Аммо унинг ҳали иш қизгин давом этаётган бир қанча объектлари мавжуд. Лойиҳанинг ўзига хос томони ҳам шундаки, у фақат тижорат мақсадидаги савдо-сотик дўконларидан иборат эмас. Бу ерда замонавий автотураргоҳ, меҳмонхона хизмати, энг эътиборлиси, халқимизга айна дам энг муҳим масалаларда хизмат кўрсатаётган Давлат хизматлари маркази ҳам шу ерда жойлашди. Ушбу лойиҳа доирасида аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган Эко-боннинг қурилиш ишлари давом этмоқда.

Савдо мажмуаси миқозларга юқори даражадаги сервис хизматларини кўрсатишга мўлжалланган. Мисол учун, қишлоқ хў-

жалиги, гўшт, нон, қандолат маҳсулотлари учун 1500 та раста, маиший техника, кийим-кечак, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол маҳсулотлари учун 400 га яқин дўкон барпо этилган.

Лойиҳа муаллифи амалга оширилаётган ишлар ва кўзланган катта режалар ҳақида фикрларини билдирди.



Сардор РАҲМОНОВ, тадбиркор:

— Бундан бир йил олдин бу ерлар дала ва бўш майдонлардан иборат эди. Аҳолининг эса ҳам истеъмол талабларини қондирадиган, ҳам турли хизматлардан фойдаланадиган замонавий мажмуаларга эҳтиёжи банд эди.

Сабаби, худудимизда ҳозиргача фуқаролар эҳтиёжларини турли даражада қамраб оладиган бундай марказлар бўлмаган. Яна шуни ҳам алоҳида эътибор билан қароқчилик керак, ҳозирда худудда олиб борилаётган мана шу ишлар натижасида Президентимизнинг бир қатор Фармон ва Қарорлари ижроси таъминланмоқда. Айтилик, давлатимиз раҳбарининг “2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг худудда замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, истеъмолчилар ва тадбиркорлар учун мазкур савдо мажмуасида барча қулай шароитлар яратилди. “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарорига кўра давлат хизматларини кўрсатувчи ҳодимлар учун замонавий қулайликларга эга бўлган бино, аҳоли учун эса қулай пайтда ва яхши шароитларда давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

ЁШ ИНВЕТОРГА БАНК НИМА САБАБДАН ИШОНЧ БИЛДИРДИ?

Тадбиркор томонидан амалга оширилган мазкур йирик лойиҳа таъкидлаб ўтганимиздек, катта маблағни талаб этган. Ёш инвесторга банк масъулари нима сабабдан ишонч билдиришиди?



Тolibjon БОБОМАТОВ, “Ўзмиллийбанк”нинг Наманган бўлими бошқарувчиси:

— Аввало, лойиҳа билан яхшилаб танишиб чиқдик. Албатта, савдо марказлари қандай даромад келтиради, ўзини оқлайдими, яъни банк томонидан ажратилган маблағ ўз вақтида қайтадими йўқми, буларнинг ҳаммаси тарозига солинди. Лекин ишонч билан айтишим керак, кредит масаласида банк маъмуриятининг ўзи хайрихоҳ бўлди.

Сабаби, энг аввало, бу — шу худудда яшаётган аҳолининг фаровонлиги ва иқтисодий салоҳиятини яна ҳам оширишга хизмат қиладиган лойиҳа эди. Шунинг учун бизда қизиқиш уйғонди ва молиялаштириш ишлари тез фурсатларда амалга оширилди. Биргина савдо мажмуасини оладиган бўлсак, бозор ичида ҳам харидорлар учун ҳам сотувчилар учун тўлиқ шароит яратиб берилган яққол кўриниб турибди. Бу ерда замонавий супермаркет ва ўзимизнинг шарқона миллий бозорининг уйғунлашганини кўришимиз мумкин.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТЕЗКОРЛИГИ ОШДИ УЗОҚ ЙИЛЛИК МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

Поп туман давлат хизматлари маркази олдин фақат икки та фуқарога бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш имкониятига эга эди. Давлат хизматлари маркази янги биного кўчиб ўтгандан кейин имконият кўлами янада ортди. Эндиликда инновацион қулайликларга эга Давлат хизматлари марказида бир вақтнинг ўзида 24 кишига хизмат кўрсатиш мумкин. Ўз-ўзидан бу ерда муҳолатчилар учун амалга оширилаётган хизматларнинг сифати ошди. Эътиборлиси, марказ биносида банк хизмати, ФХД бўлими ҳам фаолият юритмоқда. Биометрик паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш билан боғлиқ масалаларни ҳам фуқаролар марказдан чиқмаган ҳолда ҳал этадилар.

Савдо маркази худудда жойлашган янги автотураргоҳ 400 та автомашина учун мўлжалланган. Шу ерлик аҳолининг таъкидлашчи, эски бозор майдонида автотураргоҳ тўхташ жойи мавжуд бўлмаганлиги учун туман марказида тирбандликлар ва тартибсизликлар юз берган. Эндиликда бу каби муаммолар бартараф этилди. Алоҳида катта худудда, ҳар томонини ўйлаб бар-

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ: ЮРТИМИЗДАГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТГА ИШОНЧ ОРТАДИМИ?

Айтиб ўтиш жоизки, Попдаги янгиликлар фақат шу билан тўхтаб қолмаётгани йўқ. Тадбиркор ҳокимият органига яқинда тақлиф билан чиқди. Айна пайтда туман худудига мевани қайта

ишлаб, жем тайёрлайдиган корхона қуриш режалаштириляпти. Бу хусусда турк ҳамкорлар билан, яъни инвесторлар билан ҳам келишиб қўйилган экан. Келишувга эга бўлган лойиҳа устида иш бошляпти. 9 миллиард сўм қийматда баҳоланаётган мазкур янги лойиҳа темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ушбу корхона учун янги технологиялар асосида замонавий ускуналар олиб келиш режалаштирилган. Шунингдек, қиймати 17 миллиард сўмга тенг тикув фабрикаси барпо этиш ҳам тадбиркор кўл урмоқчи бўлган навбатдаги лойиҳалардан биридир. Мазкур корхоналар ишга тушса, 1 300 нафар аҳоли иш билан таъминланар экан. Айна дамда бу каби ўнлаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун тадбиркор Туркия, Голландия, Хитой, Россия давлатлари ишбилармон доиралари билан доимий мулоқотда бўлиб турибди. У ердаги инвесторларнинг юртимиздаги ишлаб чиқариш жараёнлари, савдо-сотик муносабатларига янада кўпроқ жалб этишни кўзда тутаяпти.

Президентимиз шундай таъкидлаган эди: “Юртимизга инвестор кириб келиши учун у бу ердаги ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг барқарорлигига ишониши керак”. Сардор Раҳмоновнинг лойиҳалари ордан ҳозирда бир неча ўнлаб хорижий инвесторлар юртимизга инвестиция киритиш ҳаракатида туришибди. Демак, бу орқали юртимиздаги инвестициявий муҳитга ишонч орталяпти. Ёш тадбиркорнинг маҳаллий аҳоли учун кўпроқ иш ўрни яратиш, хорижий инвестицияни жалб қилиш борасидаги сазй-ҳаракатлари мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан яна ҳам раванқ топишига, барқарор иқтисодий муҳит шаклланишига фаол ҳисса қўшади.

Мадҳия АВАЗОВА, “Инсон ва қонун” муҳбири

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Тошқулов Акбар Журабоевич
- Рабиев Шерзод Миржалолович
- Тожиёв Фуқрат Шомировович
- Искандаров Ербек Нурбекович
- Эргашева Дилфуза Рустамовна
- Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган ўзгача тақрир қўлимнайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи Фарида Қорақуллова

Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 Бичида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” наشريёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда Ўза суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 10184
Буюртма — V-3628
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 21:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоуси келтирилган нархда

1 2 3 4 5

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz



Пойтахт омили инфляцияга сабаб(ми)?

Пойтахтдан чекиниш

УРБАНИЗАЦИЯНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ

Шаҳарларда одатда маиший турмуш шароити яхши йўлга қўйилган бўлади. Орқича меҳнат қийинчиликларидан ҳоли, тинч, осуда ҳаёт шаҳарларнинг инсонлар наздидаги шамойили ҳисобланади. Мазкур ҳолатнинг ижобийлиги қаторида, салбий томони ҳам йўқ эмас. Саноатлашган, индустриал муҳитда ҳар ким бозор иқтисодиётининг ажралмас бўлагига айланади. Иқтисодиётнинг ривожланиши учун биринчи навбатда барқарор меҳнат унумдорлиги керак. Бундай унумдорликни қандай шакллантириш мумкин дейсиз? Биламизки, иқтисодиётнинг икки қутбли ривожланиш тили машур. Булар эволюция ва революция таррақийёт йўлидир. Шаҳарлашиш ҳам ҳар бир шахснинг шахсий ҳаётида шу икки йўлдан бири бўлган революциянинг қўлқасбини ўзида акс эттиради. Шаҳарларда аграр шароитдан фарқи ўлароқ ўзини ўзи таъмин этувчи қишлоқ хўжалиги бўлмайди. Барча саноат, савдо-сотик ва хизмат кўрсатишда банд бўлади. Бундай саноат-индустрия муҳитида бир киши иккинчи ёки учинчи кишини иқтисодий таъминлай олмаслиги мумкин. Агар жорий революцион ривожланиш позициясида бир ишчи бошқа вакиллarning яшаш учун масъулиятни зиммасига олса, демак ўз-ўзидан иқтисодий ўсish секинлашади — турғунлик юзага келади. Бу вазиятда шаҳар аҳолиси тўла бандликда бўлиши иқтисодий ва молиявий муаммоларнинг урчишига йўл қўймайди. Йўкса...

ХУДУДИЙ НАРХ-НАВОЛАР НЕГА ҲАР ХИЛ?

Иқтисодиётдаги талаб ва таклиф маҳаллий инсон омили даражаси билан боғлиқ. Бирлам-



ДАВЛАТ статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2019 йил 1 июль ҳолатида мамлакатимиз аҳолиси 33523,6 минг кишини ташкил этган. 2019 йил бошидан 268,1 минг кишига ёки 0,8 фоизга ўсди. Бунда Тошкент шаҳри аҳолиси 2 538,4 минг кишини ташкил этган.

чи истеъмол товарлари, албатта, талаб катта жойда ўз-ўзидан қимматчилики келтириб чиқаради. Июль ойи ҳолатига Давлат статистика қўмитаси республика бўйича алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал-максимал нархлари тўғрисида маълумот берди. Эътиборлиси, барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳудудий реал нархлари аниқланиб, бир маҳсулот учун икки ҳудудда икки хил қиймат кузатилди. Хусусан, ой бошида Нукус шаҳрининг "Нукус деҳқон бозори"да мол гўшти нархи 28 000 сўмни ташкил этган бўлса, маҳсулот Тошкент шаҳридаги "Фарҳод деҳқон бозори"да 48 000 сўмдан харид қилинган. Нафақат гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балки қолган барча деҳқончилик маҳсулотларининг нархларида ҳам мамлакатнинг бир бурчагида паст, бошқа бурчагида жумладан, Тошкент шаҳрида энг баланд қийматлар кузатилган.

Пойтахт Тошкентда аҳоли сонининг кўпчилиги бу ўринда ўз-ўзи-

дан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини оширади. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳри қайси бир маънода инфляциянинг ўсишига ҳам таъсир кўрсатиб келаяпти. Марказлашиш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жами ўчоқлари Тошкент шаҳрида экан бу ҳудудда нарх-наво ўсишдан тўхтамайди, инфляция эса ортаверади. Хўш, бу вазиятда нима қилиш мумкин?

ТЕОРИЯ: МЕН ШАҲАРЛАШИШНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ЭТАМАН?

Кўп йиллардан бери халқимиз Тошкент шаҳрида доимий эркин истиқомат қилишдан "маҳрум этилган". Пойтахтда рўйхатдан ўтишга нисбатан авторитар характердаги бошқарув тизими кескин ишлаб келаяпти. Бундай асабий вазиятда пойтахтни ҳар томонлама ривожлантиришга

уринишнинг сабаби истиқболсиз, менимча. "City"ларнинг бунёд этилиши, янги саноат платформалари ва хизмат кўрсатиш соҳасининг айти Тошкентда ривожлантирилиши ўз-ўзидан "пойтахт оҳарабоси"нинг қувватини кўп қарра ошираяпти. Демакки, яқин йиллар давомида мамлакат аҳолисининг Тошкент шаҳрига "талпиниши"ни жиловлаб бўлмайди. Одамлар ҳар қандай вазиятда ўзига "лазейка" толади. Бугун Тошкент шаҳрида минглаб, балки миллионлаб ноқонуний "келгинди"лар фаолият юритиб келаяпти бор гап. Агар аҳоли шу тарзда давом этса, пойтахтда аҳоли сони ошиб боради, қишлоқ хўжалигида инқироз кузатилади, ҳудудий нарх-наволарда катта фарқлар юзага келади, инфляция ошаверади, аҳолининг бошқарувга нисбатан норозилиги орттирилади ва ҳоказо. Шунда биз ҳам Бразилия, Туркия, Қозғоғистон ёки бошқа давлатлар каби пойтахтни кўчиришга мажбур бўлиб қоламиз, балки. Қўшимча мил-

лион-миллиард долларлаб харajat... Бу ўринда қандай умумий чоралар кўрсатилади? Масалан, суний тарзда "пойтахт обрўсини тушириш" мумкин. Қўйдаги икки кетма-кетлик орқали бу теория — таклифи илгари сурмоқчиман.

- Вазирлик, қўмита, давлат муассасаларини уйғун тарзда ҳудудлараро тақсимлаш;
- Олий таълимни мос равишда жойларга кўчириш ёки кадрларни республика бўйича жойлаштириш.

Демак, ушбу ҳолат реализация қилинса нималарга эришамиз? Уйлаб қарасак, Ўзбекистондаги жами вазирликлар идоралар ва қўмиталар тўлалигича, таълим муассасаларининг эса "элита"си айнан Тошкент шаҳрида жойлашган. Амалиётда ҳам ўз-ўзидан иш пойтахтда ҳал этилади. Олий таълимни тамомлаган кадрлар эса пойтахтдаги ташкилотларда қўлини ўйлашади. Яқинда "Ўзтрансгаз"нинг Қарши шаҳрига кўчгани айти мудоа бўлди. Биргина автосаноатимизнинг юраги водий шаҳарлари эканлигини ҳисобга олсак, автомобиль саноати муассасалари ва олий ўқув юрталарининг пойтахтда жойлашиши мантқиқсиздек туюлади. Бу ўринда автосаноатни водийга кўчириш мақбулроқдек. Натижада соҳа мутахассислари ҳам пойтахтдан чекинади. Туризм, шоу-бизнес ва медиа саноати учун энг мос ҳудуд Самарқанд, деб ўйлайман. Шаҳарнинг тарихий имкониятлари ва Зарафшонбўйи шаҳрининг бугунги ривожлантирилиши сиёсати ҳам бунга қўмакчи бўлади, албатта. Соғлиқни сақлаш вазирлик-ташкилотлари Бухорога жойлаштирилиши мумкин. Тоғ-қон саноатининг имкониятларини эса Навоий, Нукус ва Қарши шаҳарлари кўтара олади. Мазкур ҳолатда реал шароитда пойтахт обрўсини суний тарзда тушириш мумкин. Аҳолининг ҳам Тошкентга талпиниши сусаяди. Соҳалар бошқарув марказларининг вилоятларга тарқатилиши билан кадрлар республика бўйича тақсимланади. Мухими, барча ҳудудлар яхлит ривожланади. Бугунги ахборот технологиялари ва коммуникациянинг ривожини эса жорий ташкилотлар уртасидаги алоқанинг қийинчиликлари амалга оширишга ёрдам беради. Қолаверса, соҳаларнинг тақсимланиши, балки чекка ҳудудлардаги коррупциянинг ҳам камайишига сабаб бўлиши мумкин...

Ислом ИБОДУЛЛА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туман тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 02.05.2012 йилда №005846-05-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "RAVSHAN NUR FARM" масъулияти чекланган жамият (СТПР: 207 149 998) таъсисчиларининг 31.05.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 893-45-65.

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 31.10.2018 йилда №646790-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "ELDARADO BIZNESS" масъулияти чекланган жамият (СТПР: 305 831 513) таъсисчиларининг 24.06.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 401-11-50.

Шайхонтоҳур тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 25.10.2016 йилда №012449-08-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "MEDICINE CONNECTED" масъулияти чекланган жамият (СТПР: 304 390 519) таъсисчиларининг 03.06.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 968-72-02.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан вазирлиқнинг катта маслаҳатчиси Анжелика Бекировага 14.08.2013 йилда берилган №5592 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур туманида 27.04.1999 йилда 405-сон билан давлат рўйхатидан ўтган "MUHANDIS-SHIFOKOR" масъулияти чекланган жамият (СТПР: 200 894 774) таъсисчиларининг 03.07.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 981-54-50.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан 21.02.2019 йилда Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 2-Берк кўча 4-уй, 42А-хонадонда №690493 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "SERGELI FAXRIDDIN QURILISH" масъулияти чекланган жамият (СТПР: 306 168 197) таъсисчиларининг 2019 йил 19 июлдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйдаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (90) 186-25-06.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 8 июлдаги 128-ум-сонли буйруғига асосан Насимов Зафар Рўзиевичга Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 10 июнда берилган №000085 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 17 июлдаги 308-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2017 йил 1 январда берилган АН №000323-сонли лицензия эгаси "А.С.Хўққ" адвокатлик фирмаси адвокати Атаханов Гайраджон Тухтабаевичнинг адвокатлик лицензиясининг ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилади.

Юносубод туман "Ягона дарча" маркази томонидан 10.08.2017 йилда №537068 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "USTAZODA CONSTRUCTION AND BUILDING GROUP" масъулияти чекланган жамият (СТПР: 305 018 691) таъсисчиларининг 2019 йил 8 июлдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйдаги телефон рақами орқали қабул

қилинади.

Тел.: (90) 984-17-62.

Мирзо Улўғбек туман тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.05.2013 йилда 008081-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улўғбек тумани, Шаҳрибод кўчаси, 44-уй манзилида жойлашган "IZLANISH BIZNES" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 19 июлдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар (93) 355-43-33 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИНН: 302 600 478.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 13.10.2015 йилда 007505-01-сонли реестр рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Иза кўчаси, 1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "MUNISA CHIROV" хусусий корхонаси (СТПР 303 467 738) таъсисчиларининг 2019 йил 17 июлдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 391-00-68.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 14.14.2016 йилда 008011-01-сонли реестр рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Шамсия кўчаси, 19-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "SANOBAR SARDOR RIVOJ" ОК (СТПР 304 038 763) таъсисчиларининг 2019 йил 16 июлдаги 2-сонли қарорига асосан қайта тикланади.

Тел.: (98) 312-07-11.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан "NUR" адвокатлик бюроси адвокати Булган Тажиевич Убайхан Джуманиязовичнинг 29.12.2018 йилги QR №000067-сон-

ли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 8 июлдаги 237-ум-сонли буйруғига асосан тугатилади.

Мирзо Улўғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 17.08.2018 йилда 630171-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улўғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган "MERCURY TRADE LTD" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 15 июлдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Давлолар (90) 185-51-05 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИНН: 305 708 370.

Мирзо Улўғбек туман тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 18.06.2014 йилда 009089-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улўғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган "HIGH LEVEL TRADE" хусусий корхонаси 2019 йил 15 июлдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар (97) 737-13-18 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИНН: 302 982 035.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тadbirkorлик субъектларини ихтиёрли тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида"ги 630-сонли Қарорини бажариш мақсадида "TRIUMPH BUSINESS" хусусий корхонаси (СТПР: 302 804 326) таъсисчиларининг 2019 йил 1 июлдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди, Соҳил бўйи кўчаси, 44-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: (90) 958-11-10.